

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил июль ойининг 20 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи Н.Ражабов, судья ёрдамчиси О.Холмуминовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд туман прокурор ёрдамчиси Р.Хусенов, жабрланувчи Р.Абдулхаков, Ж.Самиев, М.Хуррамов ва қонуний вакил И.Гулямов, гумонланувчи Ф.Мухторов ҳамда уни ҳимоячиси, Самарқанд шаҳар “Қомус” адвокатлар ҳайъати адвокати М.Саматоваларнинг иштирокида,

Мухторов Фарходжон Наврузович (Muxtorov Farhodjon Navruzovich), 1990 йил 11 май куни Ургут туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, ЯТМФБШ, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Ургут тумани “Тароқли” маҳалласида яшайди, иш бўйича унга нисбатан 2023 йил 27 июнь куни “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган 1-1402-2301/186-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов органини тўплаган ҳужжатларига кўра, Мухторов Фарходжон Наврузович, 2023 йил 20 май куни кеч соат 13:30 да ўзига тегишли, техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлган, “Дамас” русумли 30 Н 905 НА давлат рақам белгили автомашинани бошқариш учун тегишли тойифадаги барча ҳужжатлари ёнида бўлган ҳолатда Самарқанд тумани “Жўйи Аббос” маҳалласи худудидан ўтувчи Тошкент Китоб йўналишидаги 1099 км.да бошқариш бориш вақтида амалдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, ушбу Қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизикларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шартлиги, қоидаларнинг 73-бандидаги яъни “Ҳайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралик масофани, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралик масофани сақлаши керак” деб кўрсатилган, қоидаларнинг 77-бандидаги “ҳайдовчи ҳаракатни серкатновлигини, транспорт воситасининг хусусияти ҳамда ҳолатни, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек,



ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши кераклиги, тезлиги ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориши имкониятини бериши кераклиги, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашувчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги” деб кўрсатилган 82-бандидаги яъни “Ҳайдовчи қувиб ўтишни бошлашдан олдин ўзи ўтмоқчи бўлган ҳаракатланиш бўлаги қувиб ўтиш учун етарлича масофада бўш еканлигига, қувиб ўтиш жараёнида ҳаракатланишга хавф туғдирмаслигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслиги шарт” деб кўрсатилган талабларни қўпол равишда бузиб, ўзи билан бир йўналишда ҳаракатланиб бораётган дастлабки тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган “Исузу” русумли юк автомашинаси орқа томонидан ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофани сақламасдан бошқарувида бўлган автомашинани яқин масофада бошқариб бориб, ушбу юк автомашинасини чап томондан қувиб ўтишни бошлашдан олдин ўзи ўтмоқчи бўлган ҳаракатланиш бўлаги қувиб ўтиш учун етарлича масофада бўш еканлигига, қувиб ўтиш жараёнида ҳаракатланишга хавф туғдирмаслигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслиги ишонч ҳосил қилмасдан қарама-қарши томонга қувиб ўтишни бошлаган вақтда олд қисми билан қарама-қарши томонидан ўз йўналишида ҳаракатланиб келаётган ҳайдовчи Абдулхаков Рустам Раззоқовичнинг бошқарувида бўлган “Кобалт” русумли 30 P 810 НА давлат рақам белгили автомашинаси олд чап қисмига тўқнашиб кетиб йўл транспорт ҳодисаси содир этишга ҳамда тўқнашув натижасида ўзи, йўловчилари М.Хуррамов, Ж.Самиев ва “Кобалт” русумли автомашина ҳайдовчиси Р.Абдулхаков ҳамда вояга етмаган йўловчиси А.Камоловларни турли даражадаги тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

РСТЕИАМ Самарқанд филиали томонидан берилган 2023 йил 07 июн кунги берилган №1850-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасида “Дамас” русумли автомашина ҳайдовчиси Мухтаров Фарходжон Наврўзовичнинг танасида яъни “ўнг кулоқ супраси соҳасида юмшоқ тўқима лати, бўйин соҳаси юмшоқ тўқималари лати, чап болдир соҳасида езилиб йиртилган яраси, чап катта болдир суягининг ўрта учлигидан диафез қисмидан парчаланиб синиши” каби тан жароҳатлари аниқланганлиги, улар ўтмас каттик жисмлар таъсирида яъни қарорда кўрсатилганидек ҳаракатда бўлган иккита автомашиналарнинг тўқнашуви натижасида автомашина салони ичидаги буртиб чиқувчи қисмларини танага урилишидан вужудга келган бўлиши мумкинлиги, ушбу жароҳатлар умумий меҳнат қобилиятини салмоқли қисмини учдан биридан қопроғини турғун йўқолишига олиб келиши, шунинг учун “оғир тан жароҳатлари” гуруҳига кириши, жароҳатларнинг етказилган вақти қарорда, тиббий баёнда қайд этилган ҳамда текширувчи шахс ўзи кўрсатма берган муддатга яъни 2023 йил 20 май кунига тўғри келиши



кўрсатилган.

РСТЕИАМ Самарқанд филиали томонидан берилган 2023 йил 13 июн кунги берилган №1852-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасида “Кобалт” русумли автомашина йўловчиси вояга етмаган Камолов Абдулло Икром ўғлининг танасида яъни “ўнг кўз қавоялари, ўнг биллак, ўнг болдир соҳалари юмшоқ тўқималари лати, пешона соҳасида шилинмалар ва урилиб йиртилган яралари” каби тан жароҳатлари аниқланганлиги, улар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида яъни қарорда кўрсатилганидек ҳаракатда бўлган иккита автомашиналарнинг тўқнашуви натижасида автомашина салони ичидаги буртиб чиқувчи қисмларини танага урилишидан вужудга келган бўлиши мумкинлиги, ушбу жароҳатлар соғлиқни олти кундан кўп аммо йигирма бир кундан кам бўлган муддатга бузулишига сабаб бўлиши, шунинг учун “енгил соғлиқни бузулишига сабаб бўлган тан жароҳатлари” гуруҳига кириши, жароҳатларнинг етказилган вақти қарорда, амбулатор картада қайд етилган ҳамда текширувчи шахснинг отаси кўрсатма берган муддатга яъни 2023 йил 20 май кунига тўғри келиши кўрсатилган.

РСТЕИАМ Самарқанд филиали томонидан берилган 2023 йил 13 июн кунги берилган №1849-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасида “Дамас” русумли автомашина йўловчиси Самиев Жамол Қамариддин ўғлининг танасида яъни “иккала тизза буғуми, ўнг болдир ияк соҳаларида шилинмалар, ўнг қўл биринчи кафт суяги ёпиқ синиши” каби тан жароҳатлари аниқланганлиги, улар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида яъни ҳаракатда бўлган иккита автомашиналарнинг тўқнашуви натижасида автомашина салони ичидаги буртиб чиқувчи қисмларини танага урилишидан вужудга келган бўлиши мумкинлиги, ушбу жароҳатлар соғлиқни йигирма бир кундан кўп аммо бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатга бузулишига сабаб бўлиши, шунинг учун “ўртача оғирликдаги шикаст” гуруҳига кириши, жароҳатларнинг етказилган вақти қарорда, амбулатор картада қайд етилган ҳамда текширувчи шахс ўзи кўрсатма берган муддатга яъни 2023 йил 20 май кунига тўғри келиши кўрсатилган.

РСТЕИАМ Самарқанд филиали томонидан берилган 2023 йил 13 июн кунги берилган №1851-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасида “Дамас” русумли автомашина йўловчиси Хуррамов Мангуберди Бегали ўғлининг танасида яъни “пешона, ўнг кўз ташки бурчак, чап қўл кафти, ўнг ёнбош соҳаларида шилинмалар ҳамда юмшоқ тўқималар лати” каби тан жароҳатлари аниқланганлиги, улар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида яъни ҳаракатда бўлган иккита автомашиналарнинг тўқнашуви натижасида автомашина салони ичидаги буртиб чиқувчи қисмларини танага урилишидан вужудга келган бўлиши мумкинлиги, ушбу жароҳатлар соғлиқни қисқа муддатга бузулишига сабаб бўлмаслиги, шунинг учун “енгил тан жароҳатлари” гуруҳига кириши, жароҳатларнинг етказилган вақти қарорда, амбулатор картада қайд етилган ҳамда текширувчи шахс ўзи кўрсатма берган муддатга яъни 2023 йил 20 май кунига тўғри келиши кўрсатилган.

РСТЕИАМ Самарқанд филиали томонидан берилган 2023 йил 14 июн кунги берилган 1853-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасида “Кобалт”



русумли автомашина ҳайдовчиси Абдулхаков Рустам Раззоқовичнинг танасида яъни “ўнг билак кафт буғуми юмшоқ тўқималари лати, бошнинг тепа соҳаси юмшоқ тўқималари лати, чапдан 2,3,4 ва 5 чи қовурғалар синиши” каби тан жароҳатлари аниқланганлиги, улар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида яъни ҳаракатда бўлган иккита автомашиналарнинг тўқнашуви натижасида автомашина салони ичидаги буртиб чиқувчи қисмларини танага урилишидан вужудга келган бўлиши мумкинлиги, ушбу жароҳатлар соғлиқни йигирма бир кундан кўп аммо бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатга бузулишига сабаб бўлиши, шунинг учун “ўртача оғирликдаги шикаст” гуруҳига кириши, жароҳатларнинг етказилган вақти қарорда, амбулатор картада қайд етилган ҳамда текширувчи шахс ўзи кўрсатма берган муддатга яъни 2023 йил 20 май кунига тўғри келиши кўрсатилган.

Судга гумонланувчи Ф.Мухторов ва жабрланувчи Р.Абдулхаков, Ж.Самиев, М.Хуррамов ва қонуний вакил И.Гулямовлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Гумонланувчи Ф.Мухторов суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Р.Абдулхаков, Ж.Самиев, М.Хуррамов ва қонуний вакил И.Гулямовлар суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Ф.Мухторовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66-1-моддасига мувофиқ, 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлик муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, давлат айбловчиси Р.Хусенов, химоячи М.Саматоваларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумонланувчи Ф.Мухторовнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумонланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув томонларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66-1-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Ф.Мухторовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни;

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Р.Абдулхаков, Ж.Самиев, М.Хуррамов ва қонуний вакил И.Гулямовларга Ўзбекистон Республикаси



ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан Мухторов Фарходжон Наврузович (Muxtorov Farhodjon Navruzovich)га нисбатан юритилган жиноят иши ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач Ф.Мухторовга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаровга қўйилган 7.000.000 (етти миллион) сўм пуллар гаровга қўйган Ф.Мухторовга қайтарилсин.

Жабрланувчи Р.Абдулхақов, Ж.Самиев, М.Хуррамов ва қонуний вакил И.Гулямовларга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим нусхасини олган кундан 20 (йигирма) сутка ичида апелляция тартибида Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Н.Ражабов

“Аслига тўғри”

